
Ўзбекистон туманилик Муҳаммадфозил китоб ўқиб, "Spark" ютиб олди
Айни кунларда миллионлаб ёшларни ўзида жамлай олган китобхонлар беллашуви - "Ёш китобхон" танловининг финал босқичи ўтказилмоқда.

Финал босқичида 10-14 ёш тоифасида иштирок этган 14 нафар иштирокчи орасида Ўзбекистон тумани 50-мактаб 8-синф ўқувчиси Исмоилов Муҳаммадфозил Дилшодбек ўғли 5 та шарт бўйича умумий ҳисобда 378,9 балл тўплаб, мутлоқ ғолибликни қўлга киритди ва "Спарк" соҳибига айланди.

Муҳаммадфозил 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мазкур танловда иштирок этиб келади. 2019 йилда вилоятда 2- ўринни, 2020 йилда вилоятда 1- ўринни, республикада 7-ўринни эгаллаган бўлса, жорий йилда ёш китобхон йигит республикада 1-ўринни эгаллади ва олий совринга эга чиқди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ушбу юксак ғалаба билан туманимиз ифтихори, юксак билим эгаси Муҳаммадфозилни, унинг оила аъзолари ва устозларини самимий муборакбод этади!

Муҳаммадфозилни келгусида бундандан юксак марраларни забт этишига тилакдошмиз!

Туманимизда ана шундай зукко ва билимдон ёшлар сони кўпаяверсин!

2021-04-05 17:43:55